O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Келажак авлодлар тарих дарсликларини варақлаб, ўтмиш ҳақида ўй сурганларида, Мустақиллик пойдеворини тиклаганларни камоли эҳтиром ва ҳайрат билан эслашлари шубҳасиз.

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 27 июл, СЕШАНБА | № 30 (130) | Сотувда эркин нархда

Якунлар ва режалар

ФУҚАРОЛАР АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ВА СУДЛАРГА ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛОВЧИ ОРГАН СИФАТИДА ҚАРАСИНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1999 йил 23 июлдаги Кенгайтирилган ҳайъати йиғилиши ана шу руҳда ўтди.

Йиғилишда вазирликнинг таркибий тармоқ раҳбарлари ва масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, Олий суди раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар адлия ва суд идоралари раҳбарлари, Тошкент Давлат юридик институти, юридик коллежи, Республика юристлар малакасини ошириш, Криминалистика, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказлари мутасаддилари, Судлар Ассоциацияси ва Адвокатлар уюшмаси, бошқа бир қатор меҳнат ва ўқув жамоалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ҳайъат мажлисида раислик қилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири С.Мирсафоев ўз кириш сўзида мажлис аҳли эътиборини юртбошимиз И.Каримовнинг адлия идоралари ва судларини халқ жазоловчи орган эмас, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя этувчи идора деб мурожаат қилишини таъминлаш ҳақидаги фикрларига, **«Адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз зарур»** деган таъкидларига қаратди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 1-ўринбосари Ғ.Раҳимов «Республика суд ва адлия идораларининг 1999 йил 1 ярмидаги фаолияти якуни ва келгусидаги вазифалари» мавзусида маруза қилди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида адлия ва суд идоралари ўз ваколатларини амалга ошира бориб, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини тўғри йўналтириш, қонун устуворлигини ва одил судловни таъминлашда кенг кўламли фаолият кўрсатдилар. Ярим йилда Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 45 та қонуни, Олий Мажлис ва ҳукуматнинг 126 та қарори, кўплаб фармон ва фармойишлари лойиҳаларига ҳуқуқий хулоса берди.

Судлар томонидан одил судловни таъминлашда инсонпарварлик, адолат тамойилига амал қилишга эътибор қаратилди. Жиноятчиларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо тайинлаш даражаси 3 фоизга камайди. Айниқса, вояга етмаганларга бундай адолат ва тузалишга имконият кўпроқ яратилди.

Нотариал идораларда қарийб 600 мингта 1,5 млрд. сўмдан кўпроқ суммадаги ҳуқуқий ҳаракат амалга оширилди. ФҲДЁ идоралари ва бошқа соҳалардаги ташкилий ишлар маълум даражада ижобий самарасини берди. Шартномавийлик ва унинг интизомини таъминлашда ишлар маромли сусайтирилган эмас. Диний ташкилотлар билан ишлашда аниқ фаолият тизими вужудга келтирилган.

Шу билан бирга, ҳали жиддий камчилик ва нуқсонлардан ҳоли бўлинган эмас. Баъзи судлар фаолиятида масъулиятсизлик, ишларни ўз муддатида кўрмаслик, сансоларлик, ноқонуний ҳукм ва қарорлар қабул қилиш фактлари учрамоқда. Адлия тизимининг бошқа соҳалари фаолиятида ҳам шундай аҳволга дуч келинмоқда. Оқибат эса фуқаролар норозилигини келтириб чиқармоқда. Тошкент шаҳри, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Тошкент ва Сирдарё судлари фаолияти жиддий эътирозга лойиқ. Ишларни сифатсиз кўриш ҳоллари Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Наманган, Андижон судларида кўпроқ қайд этилди. Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоят судлари эса қуйи судларга салбий жиҳатдан намуна бўлмоқда. Уларнинг кўпчилик қарорлари назорат ва кассация тартибида бекор бўлаётир. Судлар қарорларининг ижросини таъминлашда кўплаб оқсоқликлар мавжуд.

Адлия ва суд идораларида кадрлар тайёрлаш, танлаш ва тайинлашда масъулият етишмаяпти. Ўтган 6 ой мобайнида 23 та судья, жумладан, уларнинг ҳар учинчиси жиддий қонунбузарлик ва жиноий ҳаракат содир этганлиги учун лавозимидан бўшатилган. 77 та судья малака ҳайъатлари томонидан интизомий жазога тортилган. Вилоят адлия бошқармалари ва судлари судьяликка тавсия этган номзодлардан 57 нафари талабга жавоб бермаганлиги учун лавозимга ўтказилмади.

Ҳайъатда юқорида қайд этилган ҳамда бошқа камчиликлар, нуқсонлар, масъулиятсизлик деб баҳоланган танқидий фикрлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар адлия ва суд раҳбарларининг ҳисоботи, тушунтириш ва фикр-мулоҳазалари тингланди.

Ҳайъат мажлисида Адлия вазири С.Мирсафоев якунловчи нутқ сўзлади ва қатъий вазифалар қўйди. Ҳайъат кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Адлия вазирининг матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Сирожиддин МИРСАФОЕВнинг Кенгайтирилган ҳайъат мажлисидаги кириш сўзи

Азиз дўстлар!

Маълумингизким, шу кунларда мамлакатимиз аҳли, меҳнат жамоалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, хуллас, барча-барчамиз тарихий яратувчилик даврини бошдан кечираяпмиз. Турмушимизнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш орқали ўзлигимизни англаш, мустақил Ватанимиз пойдеворини янада мустаҳкамлаш ва буюк келажак яратиш борасида ижодий изланиш, ташаббус ва фидоий меҳнат қаърида яшаяпмиз.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида таъкидлаганидек, инсоният бўсағасида турган XXI асрга **«Ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур, ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз, янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими диққат-эътиборимизда турмоғи лозим»**лиги ўтган ҳисобот даври фаолиятимизда асосий ўрин тутди.

Хабарингиз бор, мазкур сессияда Президентимиз И.Каримов мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришни, XXI аср бўсағасида биринчи устувор йўналиш деб, белгилаб берган эди.

Бу борада кўрилаётган чоралар, амалий тадбирлардан бевосита, атрофда бўлаётган ишлар орқали, қолаверса, оммавий ахборот воситалари - телевидение, радио, матбуот орқали мунтазам воқиф бўлиб турибсиз.

Улардан баъзиларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Аввало, жаҳон афкор оммасининг қаҳрини қўзғатган, ватандошларимиз қалбини жунбушга келтирган ва эл нафратига дучор бўлган ғаламислик - 16 февралда Тошкентда содир этилган террорчилик, унинг илдизлари, сабаблари ва оқибатларини тугатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар хусусида. Мен бу борада халқимиз фикри, қонун талаби ёки бўлиб ўтган ва ўтаётган суд жараёнлари ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Улардан ўйлайманки, тўла воқифсиз. Диний ақидапарастлик, сепаратизм ва фундаментализмнинг жамиятимиз тараққиёти учун нақадар жиддий таҳдид эканлигини барчамиз англаб етдик. Юртбошимизнинг огоҳликка, ҳушёрликка даъватларини қарзу фарз тарзида англадик, фаолиятимиз мезонига айлантирдик.

Президентимизнинг **«Бу ишлар, биринчидан, мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучларнинг ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканлигидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга уринишлари бўлса, иккинчиси, ҳали-ҳануз бизнинг мустақиллик йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд»**лиги ҳақидаги таъкидларидан ҳар бир адлия ва суд ходими хулоса қилмоғи, ҳаёт ва фаолиятида янада оғоҳ ва ҳушёр бўлмоғи, атрофидагиларни, аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка бошламоғи лозим. Ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш тадбирларида қўлланилмоғи шарт.

Ҳўш, биз ўтган ярим йилда қандай ишларнинг гувоҳи бўлдик, қайси жараёнлар диққатимиз марказида бўлди? Улар жуда кўп. Масалан, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат Дастури амалиётига жадал киришилди. Энг муҳим тадбирлар камолотга, комил инсонни тарбиялашга қаратилди. Маънавий оламимизни янада бойитишга йўналтирилган кенг қамровли ишлар йўлга қўйила бошлади, таълим ва тарбия бош мезонга айлантирилди. Ёшлар билан ишлаш, уларга оталарча ғамхўрликка юртбошимиз бошчилигида муҳим эътибор қаратилаяпти. Иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи - эркин тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш кенг йўлга қўйилмоқда. 1999 йилни «Аёллар йили» деб аталиши муносабати билан хотин-қизлар ҳуқуқи, қонуний манфаатлари ҳимояси янгича тус олди, кенг кўламли тадбирлар, амалий ёндашувларнинг гувоҳи ҳамда иштирокчиси бўлдик. Хотира ва қадрлаш куни - 9 майни байрам қилиш билан боғлиқ ишлар халқимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Айни пайтда, юртбошимизнинг ана шу сана муносабати билан эълон қилган Амнистия акти буюк инсонпарварлик ва мурувват ҳужжати сифатида қабул қилинди. Адлия ва суд идораларининг бу тадбирларни амалга оширишда меҳнати, ҳиссаси, моҳиятини тарғиб-ташвиқ қилишда ўрни, хизмати катта бўлганлигини ҳеч ким рад этолмайди.

Мамлакатимизда маҳаллалар, ўзини-ўзи бошқариш органларига ажратилаётган эътибор ҳақиқий демократия тамойилларининг юртимизга кириб келаётганидан далолат бўлиб турди. Давлат ҳокимиятининг кўплаб ваколатлари босқичма-босқич ана шу органларга берилиши таъминлана бошланди. Бу борада ҳам адлия ва суд идораларининг сезиларли ҳиссаси, ёрдами бўлганлигини таъкидлаймиз.

Юртбошимизнинг жаҳонда тинчлик ўрнатиш сиёсати бобидаги ташаббуси жаҳон сиёсий жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланаётганига, бундан юртимиз ва Президентимизнинг халқаро нуфузи, обрўси ошиб бораётганлигидан фахрланмай бўладими? Бунга, мана, куни кеча гувоҳи бўлганимиз «6+2» деб аталган, Афғонистоннинг 20 йиллик можароларига нуқта қўйишга қаратилган Тошкент анжумани материаллари далил. Яна ўнлаб шундай жаҳон аҳамиятига молик ишлар, ички сиёсатимиз, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни безовчи юзлаб тадбирларни эслатиб ўтишим жоиз.

Таъкидлайман, мамлакатимиз ана шундай буюк ишлар қуршовида Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибди. Шу кунларда барча идоралар, ҳар бир ташкилот, муассаса, онгли, масъул ва мутасадди шахс ўз фаолиятига баҳо бермоқда, оддийроқ айтганда «ғалвир кўтармоқда».

Биз ҳам ана шу мақсадда бу ерга тўпландик. Асосий мавзуимиз ҳам юртбошимиз айтган **«Халқ судларни жазоловчи орган деб эмас, унга ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида мурожаат қиладиган бўлишига эришиш»** борасидаги фаолиятимизни муҳокама қилишга қаратилгандир.

Ватанимиз эришган ва эришаётган барча ютуқлар, ижодий ишларда, мамлакат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширувчи асосий бўғин сифатида адлия ва суд идораларининг муносиб ўрни ва ҳиссаси бор. Фақат ўтган ярим йил ичида вазирлигимиз Ўзбекистон Республикасининг 74 та қонуни лойиҳасига, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг 283 та қарори, кўплаб Фармон ва фармойишлар лойиҳаларига ҳуқуқий хулоса берди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунни амалиётга татбиқ эта бориб, бугунга қадар 1621 та диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказдик ва қонуний фаолият кўрсатилишини таъминлашда назорат юритмоқдамиз. Ўтган даврда 272 та жамоат бирлашмалари Устав (Низом), 55 та қўшма корхона, 7 та хорижий корхоналар, шунингдек, 174 та қўшма корхоналарни низомий ўзгартиришлари ўрганилиб, рўйхатга олинди. Адлия идоралари бозор иқтисодиётининг муҳим шарти - шартномавийликда қонунийлик ва интизом таъминланишида мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

ФҲДЁ, нотариат идоралари фаолияти яхшиланмоқда, улар ва судларга ташкилий масалаларда кенг ёрдам кўрсатилмоқда, шароит ҳозирланмоқда, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаяпти.

Ҳуқуқий таълим соҳасини бирмунча яхшиладик, юристлар малакасини ошириш-да кескин бурилишлар ясадик, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди, кўплаб ҳуқуқий адабиётларни босмадан чиқардик, маърифий-ҳуқуқий тарғибот ишларида ҳам янгиланиш ясаяпмиз, ҳуқуқий нашрларимиз мунтазам ва ранг-баранг, чоп этилиб турибди.

Аммо камчиликларимиз ҳам бисёр. Ечимталаб муаммоларимиз навбат кутиб турганини ҳам яширмаймиз. Республика бўйича жиноятчилик саҳни сезиларли ўсганлигига қарамасдан, ишларимизда баъзи лоқайдлик, масъулиятсизлик, ҳатто қонунбузарликкача бориб етадиган фактлар учраб турибди. Бугунги кунда бир қанча судьялик ўрни бўш турганлигини қандай баҳолаш мумкин, ҳурматли вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари, вилоят суди раислари? Қаранг-а, олти ойда 23 та судья эгаллаб турган лавозимидан озод этилибди. Шундан ҳар учинчиси қонунбузарлик, жиноятга қўл урганлик учун!

Судьяликка номзод танлашдаги бебурдликдан қачон қутуламиз? Сизлар юборган 57 та номзод ўтмади. Айни пайтда, ишлаб турган судьялардан 91 нафарига турли қилмишлари учун судьялар малака ҳайъати интизомий жазо чораси кўриб турган бўлса? Бундай аҳвол билан мутлоқ келишиб бўлмаслигини яна бир бор эслатиб ўтишим жоиздир.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўйлайманки, бугун барчангиз — суд ва адлия идоралари масъуллари, ўз фаолиятингизнинг ўтган ярим йиллик натижаларига танқидий назар билан ёндашасизлар.

Уқдираман, олдимизда турган энг муҳим вазифамиз, бу аввало ўтган даврдаги нуқсон, камчилик ва хатолардан тўғри хулоса чиқариш ва фориғ бўлиш, лоқайдлик ва масъулиятсизлик кайфиятини ортда қолдиришдир. Айни пайтда мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этишда ҳар бир адлия ва суд ходимидан рост ва расо, фаол ва ҳушёр бўлишлик қаттиқ ва қатъий қўйилишини эслатиб ўтаман.

Мана шу Ватаннинг мустақиллигини асрашга, фаровон келажагини яратишга мен ҳам бевосита масъулман, деган фикрни ёддан чиқармаслигингизни талаб қиламан.

Билиб қўйинг, сизу бизнинг фаолият мезонимиз ҳақиқат, ташаббус, идрок ва адолат бўлиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда **«Адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз зарур»**.

Ушбу ишларда сизларнинг янада фидойилик кўрсатиб, муносиб ҳисса қўшиб, ўз бурчингизни адо этишингизда муваффақиятлар тилайман.

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Божхона саҳҳаларида



Бутунжаҳон божхона ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бўлган Ўзбекистон божхона органлари мустақил давлатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини муҳофаза қилишда ибратли ишларни амалга ошираётир. Божхона масканларидаги иш тартиби, ходимларнинг билимдон ва зукколиги чет давлатдан келадиган сайёҳлар, меҳмон ёки ишбилармонларда Ватанимиз ҳақида илк таассуротлар уйғотиши табиий. Буни дилдан ҳис этган Сирдарё вилоятидаги 4-сонли божхона маскани ходимлари тегишли қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда республикамизга келаётган ва ундан чиқиб кетаётганларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга эришмоқдалар.

Ушбу божхона маскани 1992 йилда ишга туширилган. Шундан бери у республикамизни қўшни Қозоғистон Республикаси билан боғлайдиган, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига муносиб улуш қўшадиган муҳим объектлардан бирига айланди. Божхонада йигирма нафар ходим хизмат қилади. Улар мустақил давлатимизнинг божхона тизимини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказишни ўзларининг мақсад-муддаоси деб билишади. Шу мақсадда қунт билан ишлашади, ўқиб, ўрганишади. Зеро, божхона ходими ҳам юрист, ҳам иқтисодчи, қолаверса, бошқа касбларнинг сирларидан ҳам хабардор бўлиши керак. Бу борада ҳафтада икки марта олиб борилаётган касб маҳоратини ошириш ўқув машғулотлари яхши омил бўлмоқда. Ўқув машғулотларида асосан соҳага доир қонунлар, қарор ва фармонлар ўрганилади, тегишли кўрсатмалар, йўл-йўриқлар белгилаб олиниб, фаолиятга жорий этилади.

(Давоми 3-бетда)

БУГУНГИ СОНДА:

Ғайбулло РАҲИМОВ: «АДОЛАТ УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗ...» 2-бет

ЮГУРГАНГА ЎЎЮРМАГАН ОЛТИНЛАР 3-бет

«ЭК...ЭК»
ЭРГАШ
КАРИМОВНИ
ЭШИТОЛМАЙ
КЕТЯПМАН

Ёки Леонид Ильичнинг армони

4-бет

АДОЛАТ УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ ВА СИЁСАТИМИЗ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Файбулло РАҲИМОВнинг вазирлик Кенгайтирилган ҳайъат мажлисида «Республика суд ва адлия органлари фаолиятининг 1999 йил 1-ярми якуни ва келгусидаги вазифалар» мавзуида сўзлаган

маърузаси

(қисқартирилган)

Ҳурматли ҳайъат аъзолари, ҳамкасблар!

Мамлакатимиз жаҳон андозаларига мос демократик, эркин ҳуқуқий жамият тамойилларига амал қилиб, келажаги буюк давлат қуриш сари жадал бормоқда, XXI асрга интилмоқда. Халқимиз шу кунларда миллий мустақиллигимизнинг 8 йиллик муборак байрамини нишонлаш арафасида яшаб, яратувчилик намунасини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, жамиятимизда маънавий-маданий онг шаклланмоқда, сиёсий дунёқарашларимизда етуклик куртак ёймоқда. Энди одамларимизни қийинчиликлар кўрқита олмайди, танлаган тўғри йўлидан ҳеч ким ва ҳеч нарса чалғита олмайди. Мавжуд муаммолар табиий ва ўткинчи эканлигини, эркин тараққиёт жараёнида, аҳил бўлсак, улар албатта ечим топишини одамларимиз англаб етдилар.

Ҳа, биз юртбошимиз теран ўйлаб бошлаётган тўғри йўлдамиз. Ҳаётнинг ўзи бунга гувоҳ бўлмоқда. Истиқлолимизнинг буюк неъмат, тарихий ғалаба эканлигини ҳар биримиз англаб етдик. Машъум 16 февраль воқеалари халқимизнинг қаҳру ғазабини қўзғатиш билан бирга мустақиллигимизнинг нақадар азиз ва муқаддас эканлигини, уни огоҳлик ва ҳушёрлик билан ҳимоя қилишимиз лозимлигини кўрсатди.

Таъкидлашим жоизки, юқоридагилар Сизу бизни огоҳ этиши билан бирга, беҳад катта масъулият юклайди. Биз-адлия ва суд идоралари ходимлари мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни мувозанатдан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган бундай ёвуз кучларга уларнинг разилликлари ва жаҳолатли қилмишларига қарши қонун тиғи билан жавоб беришга ҳар доим шай бўлмоғимиз лозим.

Президентимиз **"Қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботи тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди"** деб бежиз айтган эмас.

Маълумингизким, юртимизда ҳуқуқийлик пойдеворини, қонунчилик базасини яратиш, уларнинг бекаму-кўст ижроси орқали қонун устиворлигини таъминлаш сиёсати жадал кечмоқда. Бугун ҳаётимизнинг муҳим жабҳаларини тартибга солувчи қонунлар тизими мавжуд. Улар янгилари билан тўлдирилмоқда, бойитилмоқда. Буларнинг барчасида у ёки бу даражада Адлия вазирлигимиз, сиз ва бизнинг ҳиссамиз бор, буни рад этиб бўлмайди.

Бу борадаги ишларимиз 1999 йилнинг 1-ярмида ҳам жадал давом эттирилди. Ўзбекистон Республикасининг 74 та қонуни, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг 283 та қарори, Республика Президентининг 30 та Фармони лойиҳаларига вазирлигимиз ҳуқуқий хулосалар берганлиги, 672 та идоравий меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, 202 таси давлат рўйхатига олинганлиги фикримиз далилидир.

«Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги , «Лизинг тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва ҳуқуқий экспертиза қилишда ходимларимиз фаол иштирок этганликларини таъкидлаш жоиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январ "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида вазирлигимиз Ишлар бошқармаси негизида «Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси»ни туздик. Меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя қилиш тартиблари хусусида тегишли тадбирлар белгиладик. Уларни амалда таъминлаш ишларини бошлаб юбордик.

Ўтган 6 ой мобайнида адлия идоралари 272 та жамоат бирлашмалари уставларини чуқур ўрганди, улар рўйхатга олинди. Шу кунга қадар республикамиз бўйича 1621 та диний ташкилотлар рўйхатдан ўтказилди. Уларнинг қонуний фаолият кўрсатиши таъминланмоқда.

Вазирлик ҳисобот даврида адлия ва суд органлари ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. 21 та суд, ФҲДЁ, нотариал идораларининг биноларини тўлиқ таъмирдан чиқариб фойдаланишга топширдик.

Идоралар ва ходимларни замонавий моддий-техника ва турли жиҳозлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Адлия ва суд идоралари учун 21 комплект махсус мебель, 1069 кв.метр хажмда гилам-поёндоз, 7 та енгил автомашина, 101 та нусха кўпайтирувчи ускуналар олиниб, жойларга етказиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрел Қарори билан тасдиқланган "Шартномалар тузиш, шу жумладан, контрактация шартномаларини тузиш ва уларни бажаришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш тадбирлари" ижросини таъминлаш борасидаги ишлар мунтазам амалга ошириб борилди.

Бунда олдинги ишларимизни янада такомиллаштириб, Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги барча масъул ходимлари бевосита вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларга шартномавий муносабатларни рўёбга чиқаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун 1999 йилда ҳам бириктириб қўйган эдик. Улар корхоналарнинг шартномавийликка доир фаолиятларини ўрганиши натижасида аниқланган ҳолатларда муросасизлик билан ёндашдилар. Шартнома интизоми бузилган ҳоллар ва айбдорларни аниқлаб, қатор тақдимномалар киритдилар. 67 та мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо қўлланилди. Шундан 18 таси лавозимдан бўшатилди, 71 та шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди, кўплаб мансабдор шахснинг фаолияти солиқ идораларига ва 7 нафар шахсга нисбатан ҳужжатлар Прокуратура идораларига тақдим этилди.

Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бошқармаси ўтган давр ичида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 14 миллион сўмдан ортиқ миқдорда жарима солиш чорасини қўллади ва бу сумма тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Ҳисобот даврида адлия идораларида 55 та қўшма корхона, 7 та чет эл корхоналари давлат рўйхатидан ўтказилди. 174 та қўшма корхоналарининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ўрганилиб, улар рўйхатга олинди.

Бу борада вазирлигимиз Молиявий хўжалик фаолиятини олти ой ва ундан ортиқ муддатда амалга оширмаётган, ўз устав фондларини тўла шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги Фармон ва қарор лойиҳаларини ишлаб чиқди ва улар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Республика ҳукуматининг "Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури тўғрисида"ги 1999 йил 18 февраль қарори асосида, 29 март куни Республика хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" Маркази, тегишли вазирликлар, Судьялар Ассоциацияси билан ҳамкорликда "Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятининг ҳозирги ҳолати ва уни бундан кейин ошириш йўллари" мавзусида илмий-амалий Конференция ўтказдик. Унда тегишли тадбир ишлаб чиқиб, амалиётга киритдик.

Республика адлия ва суд идоралари ходимлари, вазирлик тасарруфидаги ўқув юртлари, илмий-тадқиқот криминалистика Маркази, "Адолат" нашриёти, "Ҳаёт ва қонун" журнали ҳамда "Инсон ва қонун" газетаси ва бошқа муассасаларимиз жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасида кўплаб ишларни амалга оширдилар.

Шу билан бирга, ҳуқуқий адабиётларни нашрдан чиқариш, Адлия вазирлигининг ташаббуси билан ўтказилган илмий-амалий конференциялар материалларини алоҳида чоп этиб, адлия ва суд идораларига етказиш борасида «Адолат» нашриётининг амалга ошириши лозим бўлган ишлари кўп.

Тошкент Давлат юридик институтида қабул масаласи борасида ҳам ташкилий ишларни йўлга қўйиш лозим. Аввало ходимларнинг ҳалол ва виждонан ишлашлари учун барча шароитларни тўғрилашимиз керак. Иккинчи мутахассислик бўйича қабул масаласида ўтган йили жиддий камчиликларга йўл қўйилган.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашда ҳали ишлар кўнгилдагидек эмас.

Республика илмий-тадқиқот криминалистика Маркази иш фаолиятини ҳам тубдан яхшилаш лозим. Марказ томонидан «трассология, автотехника» экспертизалари билан боғлиқ хулосалар нохолислиги хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ҳақли эътирозлар билдирилмоқда.

Марказ бошлиғи С.Отахўжаев бундан жиддий хулоса чиқаради деб ўйлаймиз.

Азиз дўстлар! Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти суд-ҳуқуқ соҳасига даҳлдор ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор билан қарамоқда, жўяли талаблар қўймоқда.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессияси минбаридан **«Суд тизимини ислоҳот қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади»** деганларини эслатиб ўтишим жоиз. Эндиликда жойлардаги адлия ва суд идоралари мутасаддилари ўз фаолиятига танқидий нуқтаи-назар билан ёндашиб, иш тутмоғи лозим. Одил судловни амалга ошириш ваколати юклатилган судья ҳар жиҳатдан етук, маънавий пок, одамийлик фазилатлари мужассам, билимли ва соф виждонли бўлмоғи талаб этилади.

Олий Мажлис Кенгашининг 1999 йил 15 июнь қарори билан тасдиқланган «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш Комиссияси» ўз фаолиятини бошлаб юборди. Биз ундан мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиб, берилаётган таклифларга танқидий ёндашиб, юклатилган улкан маъсулиятни англаган ҳолда иш олиб боришига умид боғлаймиз.

Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг суд тизимини ислоҳ қилиш борасидаги сайъи ҳаракатлари ва ғамхўрликларига қарамасдан, адлия ва суд идоралари тизимида, айниқса судлар фаолиятида жиддий хато-камчиликлар мавжудлигини, ишга маъсулиятсизлик билан ёндашиш ҳолларига барҳам берилмаётганлигини тан олишга мажбурмиз.

Шунинг учун бугун, ўз муаммоларимиз, йўл қўйилаётган хато-камчиликларимизга танқидий қараб, олдинда турган вазифаларни ваколатли талаб даражасида бажариш учун тегишли чора-тадбирлар белгилаб олишимиз зарур.

Азиз ҳамкасблар! Таъкидлашим жоизки, бугун кўпчиликни безовталиккa солаётган ҳолат, бу-жиноятчилик муаммосидир. 1999 йилнинг 1-ярмида республикамизда қайд этилган жиноятлар сони 4,7 фоизга кўпайган.

Тўғри, ўта оғир жиноятлар сони 12,4 фоизга камайишига эришилган. Лекин босқинчилик жиноятлари 13,3 фоизга, фирибгарлик 12,3 фоизга, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш 7,4 фоизга, безорилик 4,0 фоизга ошганлиги ташвишли ҳолдир.

Энг ачинарлиси, ёшлар, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 11,3 фоизга кўпайганлигидир.

Бундай ҳолат табиийки, ўтган ярим йилда судланганликнинг умумий сони бирмунча ўсишига олиб келди. 1999 йилнинг 6 ойи давомида республика судлари томонидан чиқарилган айблов ҳукмлари 8,7 фоизга кўпайди. Бу рақам айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида 31,7 фоизга, Бухоро вилоятида 30.0 фоизга, Андижонда 22,0 фоизга, Хоразм вилоятида 24,0 фоизга ва Тошкент шаҳрида 22,8 фоизга ўсди.

Хўш, жазо тайинлаш амалиётимиз қандай? Умумий судланганлардан 48,5 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 9,5 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари, 1,8 фоизига шартли жазо, 3,5 фоизига жарима жазоси ҳамда 1,9 фоизига қамоқ жазоси тайинланган. Бунда, эътибор қилинг, сезиларли даражада инсонпарварлик, тузалишга, тарбияланишга имконият яратиш тамойили мавжуд. Ўтган йилдаги 51,4 фоиз озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш амалиёти бу йил 3 фоизга камайган.

Бундай амалиёт айниқса ёшларга, вояга етмаган жиноятчиларга кўпроқ қўлланилишини салбий ҳолат деб айта олмаймиз. Улардан қарийб 62 фоизига ана шундай инсонпарварлик, тузалиш йўлига туриш имконияти яратилган.

Мамлакатимиз истиқболи ёш авлод тарбиясига нечоғли одил муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Келажакда фаолиятимизга шундай муносабат билдирилиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Судлар айблов хукми чиқарган шахслар орасида инсон хаётига қарши жиноятлар содир этганлар 4,9 фоизга, босқинчилик қилганлар 29,4 фоизга, порахўрлик билан боғлиқ жиноят содир этганлар 35,8 фоизга, безорилар 23,2 фоизга, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан мулкни талон-тарож қилганлар сони 31,3 фоизга ошган. Бу албатта, судларнинг иш ҳажми ҳам ортганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, одил судловни «Судлар тўғрисида»ги қонун талаби даражасига етказиш йўлидаги доимий уринишларимизга қарамасдан, айрим судларда аҳвол кун сайин салбийлашиб бораётгани кузатилмоқда. Хизмат мансабини суиистеъмол қилиш, юклатилган вазифага масъулиятсизлик билан ёндашиш, хатто жиноят содир этишгача бориб етадиган ҳолатларга дуч келяпмиз.

Кечирасизу, ўша «айрим» адлия ва суд ходимларимиз бугунги замонимиз ва маконимизни ҳис этадиларми, ўзи?

Давр билан ҳамқадам бўлиш, сиёсий-ҳуқуқий онги шаклланиши кераклигини, давр одами бўлиш лозимлигини англайдими?

Жамиятда аҳолининг фаоллиги ошаяпти, кишиларимиз онгида демократик қадриятлар мустаҳкамланаяпти, аҳоли дунёвий ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшаш ва ишлашга ўрганаяпти. Наҳотки бу омиллар бизнинг баъзи ходимларимизнинг кўзини очмаётган бўлса?

Тошкент шаҳри, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Тошкент, Сирдарё вилоятларида одил судловнинг аҳволи жиддий эътирозга молик. Баъзи ишларни «майнавозчилик»дан ўзгача баҳолаб бўлмайди.

Хусусан, Бухоро вилоятида одил судловни амалга ошириш борасида суиистеъмолликлар, қонунни оёқ-ости қилиш шу даражага етганки, мени авф этасиз, фавқулотда ҳолат деб ҳисоблаш ҳам мумкин.

Вилоят суди раиси О.Рўзиев жиноятчилик ва судланганликни таҳлил қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда, жамоани жипслаштирган ҳолда талабчанлик билан раҳбарлик қилиш ўрнига, қўл остидагиларга жиноят содир қилишгача имконият яратиб берганлигини қандай тушуниш керак?

Мазкур вилоят судининг судьяси А.Рашидов Республика ЖКсининг 182- ва 205-моддалари билан айбланган Турсунов ва Сайдуллаевлар иши бўйича 1998 йил 30 сентябрда айблов ҳукми чиқариб, 3328 кг. «Ипак» ва 140 кг. «Корея шойиси»ни давлат фойдасига мусодара қилишни кўрсатган.

Судья ўз ҳукми ижросини таъминлаш ўрнига, меҳнат таътилига чиққан-да, иш юзасидан қўшимча ажрим чиқариб мусодара қилиниши лозим бўлган валюта ва мулкларни ноқонуний қайтарган. У суд ҳужжатларини қалбакилаштириб, 3328 кг. «Ипак»ни Сайдуллаевга қайтаришни кўрсатган ва хукмдаги шу қисмни ўчириб, ажримга мослаштирган.

Ана шу судья Республика ЖКнинг 167 ва бошқа моддалари билан айбланган Алдекеев ва бошқалар (22 судланувчи) нинг жиноят ишини 1998 йил сентябридан 1999 йил февралигача ҳаракатсиз «ушлаб» турган. Бундай сансоларчининг мушугини «пишт» дейдиган рахбар топилмаган. Вилоят судининг раиси Рўзиев ишнинг кўрилишини талаб қилиш ўрнига, судьяни таътилга жўнатган. Эркатой Рашидов эса, хужжатларни қалбакилаштириш билан машғул бўлган. Унинг устидан Республикамиз Олий суди томонидан чиқарилган 10 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳукм фаолиятимизни безамаслиги тайин. Жиноятчи А.Рашидов қаторида, Рўзиев ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман: Мансаб эгалланди, энди ҳоҳлаганимни қиламан, айтганим айтган бўлади деб ўйлаганлар қаттиқ янглишади. «Қинғир ишнинг қийиғи 40 йилдан кейин ҳам билинади!» Ҳа шундай, лекин қирқ йил кутиш шарт эмас, бугунги қинғирликни бир кун ҳам яшириб бўлмайди.

1998 йил якунида Тошкент вилоят суди фаолиятига жиддий танқидий баҳо берилган эди. Ҳайъат қарорида вилоят суди раиси Н.Рустамовга улар кўрсатиб ўтилиб, бартараф этиш чорасини кўриш топширилган бўлса-да, ижобий ўзгариш бўлмади. Аҳвол ўрганилганда, одил судловни амалга ошириш, судлар фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, суд қарорлари ижросини таъминлаш қониқарсиз ахволда ташлаб қўйилганини гувоҳи бўлдик.

Бу ерда 6 ой ичида 9 нафар судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатишга мажбур бўлинганлигини, устига устак Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан 2 нафар вилоят суди судьяси ва 1 та туман суди раисига нисбатан интизомий иш қўзғатиш фактини қандай изоҳлаш мумкин? Мана вилоят суди раҳбарияти фаолиятига баҳо!

Энг ачинарлиси, ўтган йили одил судловни амалга оширишдаги жиддий хато-камчиликлари, сансоларлик, ҳамда суд қарорлари ижросини таъминламаганлиги учун Чирчиқ шаҳар суди судьялари М.Мусаев, Т.Феденко, Ўрта-Чирчиқ туман суди раиси С.Холиқова, Ангрен шаҳар суди судьяси М.Ниёзов, Чиноз туман суди раиси Б.Рустамовларга нисбатан интизомий иш қўзғатилган эди. Бу йил ҳам айнан шу судьяларга нисбатан тағин интизомий иш қўзғатилган. Қўпол бўлсаям айтай, бундай «даққи»ликнинг чеки борми ўзи?

Ангрен шаҳар суди судьяси М.Ниёзов Республика ЖКсининг 277, 166-моддалари билан судланувчи Исхаков ва бошқаларнинг жиноят ишини кўриб, 1999 йил 5 майда айблов ҳукми чиқарган. Аммо ҳукм бир ой беш кундан сўнг ҳам ҳалқ маслаҳатчилари томонидан имзоланмаган. Бундай ҳолат та-

ғин бир нечта ишлар бўйича такрорланган. Лоқайдликми, маъсулиятсизликми ёки қонунбузарлик? Менимча, сўнггиси тўғри, жаноб Н.Рустамов!

Тошкент вилоят суди судьяси М.Жалилова Республика ЖКсининг 167 ва бошқа моддалари билан айбланган В.Ким ва бошқа 9 кишига нисбатан жиноят ишини 1998 йил 30 июлда кўриб, хукм кассация тартибида шикоят қилинган ҳолда, қарийб бир йил мобайнида тегишли тартибда расмийлаштирмасдан, Республика Олий судига жўнатмасдан сақлаб юрган. Мазкур ишни Олий суд 1999 йил 7 июнда кўриб, вилоят прокурорининг протестини қаноатлантирган. Тайинланган жазо енгиллиги, судланувчилар харакати нотўғри малакаланганлиги сабабли ҳукмни бекор қилиб, уни янгидан кўриш учун Тошкент шахар судига юборган.

Ушбу сансоларлик юзасидан Олий суд ҳақли равишда хусусий ажрим чиқариб, вилоят суди раисининг эътиборини қаратган.

Таажубки, ушбу минбардан ҳар бир ҳайъат йиғилишида судья М.Жалилова хусусида танқидий фикрлар айтилади. Лекин улар барчаси шу ерда қолиб кетади. Нега? Бу саволга жавоб берадиган масъул бордир ахир, жаноб Рустамов?

Маълумки, фаолиятимиз самарасини унинг сифатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Гарчанд, туман, шахар судларининг иш сифати бу йил бир мунча яхшиланган бўлсада, улар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, одил судлов фаолияти ҳамда суд қарорлари ижроси давр талабига мутлақо жавоб бермайди.

Республика туман, шахар судларининг ҳукмларидан кассация ва назорат тартибида 2,1 фоизи бекор қилинган. Бу кўрсаткич Бухоро, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида 2,8, Наманганда 2,9, Андижонда 2,5 фоизни ташкил этади.

Баъзи вилоят судлари қўйи судларга ўрнак бўлишликни эплай олмаяптилар, уларнинг кассация ва назорат тартибида Олий суд томонидан 6,6 фоиз ҳукмлари бекор қилинган. Бу кўрсаткич Сирдарёда 20,7, Қашқадарёда 15,0, Тошкент вилоятида 13,8, Самарқандда 9,2, Бухорода 8,1 фоизни кўрсатди.

Бу борада биз фақат Жиззах (З.Алиев) ва Наманган (Р.Файзуллин) вилоятлари судлари фаолиятига ижобий баҳо беришимиз мумкин, холос.

Аҳволнинг ташвишли томони шундаки, ҳукм чиқарилган ишларнинг аксарияти хавфли жиноятчиларга жазо чоралари енгиллиги учун бекор қилинмоқда.

Сирдарё вилоят суди судьяси Т.Тўкушев раислигида 1998 йил октябрда чиқарилган ҳукм билан С.Муродов ва бошқалар (жами 17 киши) Республика ЖКсининг 177- ва 205-моддалари билан турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилган. Иш вилоят прокурори протестига асосан Республика Олий судида кўрилиб, далилларга холис баҳо берилмаганлиги, судланувчиларнинг ҳаракати нотўғри малакаланганлиги, Амнистия акти нотўғри қўлланилганлиги сабабли, ҳукм бекор қилинди. Иш янгидан кўришга юборилди. Судьянинг 3-4 ой мобайнида юзлаб одамларни жалб этган ҳолда кўрган иши бекор кетганлиги, йўқотилган вақтнинг баҳосини чамалаб бўладими? Бундай ишнинг кечирилмас ҳолат эканлигини қачон англаб етамиз?

Республика ЖКсининг 272 моддаси билан айбланган И.Усмонов ва А.Худойқуловларнинг жиноят иши Қашқадарё вилоят судида (судья И.Хаитов) кўрилган. 1999 йил 31 мартдаги хукми билан 57-моддани қўллаб, ҳар бирига 4 йил муддат озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Иш вилоят прокурорининг протестига биноан 1999 йил 10 июнда Республика Олий судида кўрилиб, жазо енгил тайинланганлиги учун ҳукм бекор қилинди.

Қайд этаманки, Қашқадарё вилояти адлия ва суд идоралари фаолиятида ижобий ўзгаришлар сезилмаяпти. Вилоят судининг 26 кишига нисбатан ёки 15,0 фоиз ҳукми кассация ва назорат тартибида, жазо енгиллиги учун бекор қилиниши, ишларнинг ачинарли аҳволда эканлигидан далолат беради.

Бу ерда вилоят судининг судьяси И. Хайитов раислигида 1998 йил 29 декабрда Р.Хидиров ва З.Жўраевларга нисбатан чиқарилган ҳукм, прокурор протести асосида 1999 йил 8 апрелда Олий суд томонидан тайинланган жазо енгиллиги учун бекор қилинди. Ҳайъат ўз ажримида адолатсиз жазо тайинланганлигини, жиноят процессуал Қонун талаблари бузилганлигини, Олий суд Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида» ги қарори талабларига риоя этилмаганлигини, Республикаси ЖКсининг 72-моддаси асоссиз қўллаганлигини кўрсатиб ўтди.

Кўряпсизми, судья Хайитовнинг айби билан иш юзасидан қанча сансоларлик юзага келди. Иш бугунга қадар мазмунан ўз ечимини топган эмас. Бу масъулиятсизлик, қолаверса ваколатсизлик оқибати эмасми?

Нима учун аҳвол шу даражага бориб етди, жаноб Нурматов? Бугун биз сиздан изоҳ кутамиз!

Қашқадарёда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар мурожаатларига эътиборлик бўлиш, ишлардаги сансоларликни соқит қилиш борасида адлия идоралари фаолияти ҳам талабга жавоб бермайди.

Жойлардаги ижро интизоми жиддий эътирозга моликдир. Тошкент шаҳар суди, Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё, Наманган, Жиззах ва Тошкент вилоят судларида сансоларликка олиб келинган ишлар нисбатан кўпайган.

Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шахар, туман судларида ҳам аҳвол ижобий тарафга ўзгарган эмас.

Тошкент шахар суди иш юритувида 1999 йил 1 июлга қадар кўрилмаган ишлар қолдиғи анчагина. Баъзилари бўйича айбдорлар ҳибсда, кутиб ўтирибди. Қаранг бу ерда Республика ЖКсининг 167-моддаси билан айбланган Гаюбов ва бошқаларнинг иши 1997 йил майдан, шу модда билан айбланган Файзуллаева ва бошқаларнинг иши 1997 йил октябрдан, Кочнев ва бошқаларнинг иши 1998 йил майидан буён турли сабабларга кўра мазмунан ўз ечимини топган эмас.

Ишни ташкиллаштириш шу даражада бўлса, шахар судига йил охирига қадар бошқа ишлар келиб тушмаган ҳолда ҳам, қолдиқ ишларни кўриб тугатиши амри маҳол.

Адлия вазирлиги аралашувида 1999 йил 2 мартида Гаюбовларнинг иши бўйича судья И.Хорьяковга нисбатан интизомий иш қўзғатилганлиги, суд раиси ҳам қаттиқ огоҳлантирилганлигига қарамасдан, ўзибўларчилик давом этаяпти. Суд раиси вазифасини бажарувчи жаноб И.Қобиловнинг парвойи палаклигини қандай баҳолаш мумкин? Муросасозлик қачонгача давом этади, шаҳар суди ва адлия бошқармаси мутасаддилари?

Туман, шаҳар судларидаги аҳвол ҳам бизни қониқтирмайди. Қолдиқдаги ишлардан анчасининг кўриш муддатлари ўтиб кетган. Айтинг, иш хажми кўплигини баҳона қилиш уят эмасми? Аниқроғи талабчанлик, масъулият етишмайди. Тўғри эмасми жаноб Ё.Бозорбоев?

Республика Олий суди Пленумининг 1999 йил 14 майдаги «Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича Республика судлари амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида»ги қарорида бу ҳақда аниқ тушунтириш берилган. Бу раҳбарий ҳужжатни ўрганиш ва қўллашга тоқат етишмаяпти, чамаси?

Судлар фаолиятида озодликдан маҳрум қилиш сўнгги пайтларда моҳиятан асосий жазо турига айланган. Эндиликда адолатли ҳамда зарур жазо қўллашгина инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолати, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқа турдаги жазо чораларини тайинлаш судланганларни қайта тарбиялашнинг самарали усули эканлигини муҳтарам судьяларимиз яна бир бор уқиб олсалар фойдадан ҳоли бўлмасди.

Жиноятчилик билан самарали кураш олиб боришнинг яна бир мезони ишларни асоссиз терговга қайтармасликдир. Сабаби бу ерда нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, балки одил судлов обрўсига путур етказилади.

Ярим йилда Республика судлари томонидан 693 шахсга нисбатан қўшимча терговга қайтариш ҳақида ажримлар чиқарилган. Шундан ҳар тўртинчи шахсга нисбатан чиқарилган ажрим асоссиз бўлганлиги учун қайта кўриш учун судга юборилган. Бу борада Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шахри судлари кўрсаткичлари ёмонлашган.

Фуқаролик ишлари кўрилишини тўғри ташкиллаштириш, суд қарорлари самарадорлигига эътибор бериш ҳақидаги талабларимиз ҳам иш сифатини ижобий тарафга ўзгартирмаяпти. Тошкент шаҳри, Хоразм, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси судларида аҳвол кўнгилдагидек эмас.

Судлар фаолиятини ташкилий таъминлашнинг энг оғриқли ва муаммоли тарафи, бу - суд қарорлари ижросидир. Бу борада аниқ механизм, ҳуқуқий база етарли эмаслиги сабабли, бироз қийинчилик мавжуд эди.

Иштирокимизда ишланган «Суд ижрочилари тўғрисида»ги, «Суд ва бошқа органлар актларини ижро қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига ҳавода этилган бўлиб, улар ижро тизими билан боғлиқ барча масалаларни қамраган. Улар қабул қилингач, билиб қўйинг, ҳар хил баҳона, важларга ўрин қолмайди.

Республика бўйича талон-тарож ишлари юзасидан келтирилган зарарлар 846 миллион 871.390 сўмни ташкил этган. Шундан, реал ундирилган сумма 164 миллион 691.401 сўмни ёки 19,4 фоизни ташкил этади. Бу албатта ҳеч қайси талабни қониқтирмайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Бухоро, Сирдарё вилоятлари Тошкент шаҳри судларида бу борада деярли ишлар олиб борилмаган.

Қатъий чоралар кўрилишига қарамасдан, судлар фаолиятида сансоларлик, процессуал ҳуқуқ нормаларини кўпол бузиш ҳолларига барҳам берилган эмас.

Самарқанд шаҳар Темир йўл тумани суди 1999 йил 4 март даъвогар К.Ашуровнинг жавобгар Л.Каримова билан «никоҳдан ажратиш ҳақидаги» фуқаролик ишини кўрган. Ҳал қилув қарорини эълон қилган. Сўнг судья М.Салохитдинов «янгилик киритиб», ўз қарорини бекор қилган ва 1999 йил 10 мартда янги ажрим билан тарафларга ярашиш учун 3 ойлик мухлат берган.

Прокурор бу қонунсизлик юзасидан протест келтирганда, судья Республика ФПК нинг 321, 324-моддалари талабларига зид иш тутиб, ишни кассацион тартибида расмийлаштирмасдан харакатсиз қолдирган.

Бу каби қонунбузарликларга қачон чек қўйилади? Бундай иш услуби билан суд тизими ислоҳотини амалга оширишга ҳисса қўша оладими, Салоҳиддинов каби судьялар?

Адлия вазирлигининг 1999 йил 27 январдаги ҳайъат қарорида суд қарорлари ижроси, жумладан, жиноят орқасидан етказилган зарарни ундириш қониқарсиз аҳволда эканлиги қайд этилган эди.

Биз бу ҳолатни Фарғона ва Наманган вилоятларида ўргандик. Ишлар талаб даражасида эмаслигини аниқладик. Натижада Фарғона вилоят, туман-шаҳар судьяларидан 8 нафари, Намангандан 7 нафарига нисбатан интизомий иш қўзғатиб, судьялар малака ҳайъати қарорига кўра интизомий жазо чоралари кўришга мажбур бўлдик. Хўш, бу тадбирни Адлия вазирлиги ходимлари Тошкентдан бориб ўтказишди. Вилоятдаги раҳбарлар-чи? Улар қачонгача масъулиятни, жавобгарликни юқори идораларга юклаб, ўзлари томошабин бўлиб ўтиришаверади?

Вазирлик ўтган ярим йилликда судлари томонидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича амалдаги Минск Конвенцияси ҳамда халқаро битимларни бажарилиши юзасидан амалга оширган ишларни умумлаштирди. Хўш, натижа қандай? Ёмон.

Жойлардаги айрим адлия ва суд идораларида Конвенция талабларини лозим даражада бажарилмаган. Қатор хато-камчиликларга йўл қўйилган. Оқибатда суд топшириқлари узоқ муддат ижро қилинмасдан, сансоларликка сабаб бўлган. Бундай жиддий камчиликларга Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шахар адлия бошқармалари ва судлари йўл қўйган. Адлия вазирлигининг аралашуви билан улар талаб даражасига келтирилди.

Минск Конвенцияси талабларига зид иш тутган Сирдарё вилояти Янгиер шахар судининг судьяси Л.Митейкина, Тошкент вилояти Олмалиқ шахар судининг судьяси И.Нарзиқулов, Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Т.Қаримовлар интизомий жазога тортилдилар.

ФҲДЁ, нотариат ва адвокатура фаолияти соҳасида маълум ишлар амалга оширилган. Ҳисоб даврида нотариал идоралари томонидан 557.841 та ҳуқуқий ҳаракат амалга оширган. Суд нотариал идоралари ва ФҲДЁ идораларининг ундирган жарима ва давлат божи суммаси 2 миллиард 257.224 минг сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Самарқанд вилоятларининг баъзи нотариал идоралари



Мутолаа ва мулоҳаза

ЮГУРГАНГА БУЮРМАГАН ОЛТИНЛАР

Россиялик таниқли олим ва ёзувчи Игорь Буничнинг «Партиянинг олтинлари» номли ҳужжатли асари атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов таржимасида «Жаҳон адабиёти» журналининг 1997 йил 4-6 сонларида эълон қилинган эди. Яқинда «Маънавият» нашриёти бу асарни китоб ҳолида чоп этди. «Партия олтинлари»да келтирилган қуйидаги каби жуда кўплаб фактларни ҳаяжонланмай ўқиш қийин:

«Большевистик Россиядаги ишчи раҳбарларнинг кўзлаган савдойи орзуси иккинчи Хорунар-Рашид бўлишга уринишга ўхшайди. Фақат фарқи шундаки, афсонавий халифа беҳисоб бойликларини Бағдоддаги ўзининг қасридаги ертўлаларда асраган, большевиклар эса, аксинча барча бойликларини Оврупо ва Америка банкларида сақлашни афзал кўрадилар...

Тройцкийдан АҚШнинг фақат битта банкига 11 миллион доллар ва Швейцария банкига 90 миллион швейцария франки;

Зновьевдан Швейцария банкига 85 миллион швейцария франки;

Урицкийдан Швейцария банкига 85 миллион швейцария франки;

Генецкийдан 60 миллион швейцария франки ва 10 миллион АҚШ доллари;

Лениндан 75 миллион швейцария франки.

Афтидан, «жаҳон инқилоби»ни «жаҳон молиявий инқилоби» деб атасак тўғрироқ бўлади, шекилли. Бу «инқилоб»нинг бутун маъноси шундан иборатки, жаҳоннинг жами пулини йигирма-ўттизта одамнинг жорий ҳисобига ўтказиш керак...».

Ҳаётнинг ёзилмаган қонуни бор: бировники ҳеч вақт бировга буюрмайди. Асарни ўқишда давом этамиз:

«...Сталин уларнинг ҳаммасидан охирги тийинигача суғуриб олади. Сталин уларнинг биронтасини эсидан чиқаргани йўқ. Ҳатто Ленинни ҳам. Шахсан ўзи Надежда Константиновнага агар у жаҳон пролетариати доҳийсининг Швейцария банкидаги пулларини қайтариб бермаса, бошига нима кунлар тушишини уқтирди. Эртагаёқ Крупская Ленининнинг хотини бўлганини ва ҳозир беваси эканини ҳамма паққос унутиб юборади-да, Землячкани, ҳа, ўша Бела Кун билан бирга Севастопольдан олтинларни олиб чиқиб кетган Землячкани Ленининнинг беваси деб ҳисоблай бошлайди. Надежда Константиновна лаққа тушди, пулнинг ҳаммасини қайтарди».

Шон-шуҳрат ва беҳисоб бойликларга эга бўлганида босар-тусарини билмай қолган бандалар камми? Буни қарангки, қудрати авж нуқтасига чиққанда Сталин **«...элу юрт олдида Ленинни немис жосуси деб эълон қилиш ва унинг хотирасини янчиб, талқон қилиб юбориш ҳоҳишига тушиб колди. Қамоққа олинган Фриц Платтен зарур кўрсатмаларни бериб ҳам бўлган эди, аммо энг сўнгги дақиқада Сталиннинг юраги бетламади. Нима бўлганда ҳам Сталин бугунги Ленин эди-да».**

Дунёда ҳеч нарса абадий эмас, дейишади. Ленининнинг арвоҳини чирқиратган Сталин эҳтимол «бойликларим боқийдир», деб ўйлагандир. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳаёт ўз қонуниятига амал қилаверади:

«Ундан кейин юз берган ҳалокатли қурғоқчиликлар Хрушчевни Сталин томонидан тўпланган олтинни Америка буғдойини сотиб олишга сарфлашга мажбур қилди...»

Хрушчевнинг аянчли қисмати ҳам кўпчиликка яхши маълум. 1964 йилнинг 14 ноябр куни осойишта «сарой» тўнтаришидан кейин у ҳокимиятдан четлатилади:

«Ҳар ҳолда, мен бу мамлакатни жиндай бўлса-да ўзгартирдим, - деб ғурурланиб эслайди Хрушчев томорқасидаги экинларини чопиб юриб. - Мени отишмади, қамашмади, балки нафақага жўнатиб қўяқолишди. Шунинг ўзи катта гап».

Брежнев «даври» ҳақида ўқиганларим ҳаммасидан ошиб тушди. «Асримиз фожиаси ҳақида нима дейсиз?» деб савол беришса, дафъатан: «Коммунистик мафия»нинг жирканч ишлари», деб жавоб берганингни сезмай қолаасан. «Партиянинг олтинлари»ни ўқишда давом этамиз:

«Андропов деярли қарамай зарба берар ва ҳар гал мўлжалга аниқ урарди.

...Аммо уни мутакаббирлиги нобуд қилди. У партияга унинг олтинларини қайтариш пайига тушар экан, бу ишни шундай амалга оширмоқчи бўлдики, охир-пировардда бу олтинлардан унинг ўзидан бошқа ҳеч ким фойдалана олмас эди.

...Ишда борган сари янги ва янги фамилиялар қалқиб чиқа бошлади: Лигачев, Соломенцев, Рекунков (Бош прокурор), Теребилов, Гусев, Афанасьев, Георгадзе.

...Георгадзедан бошлашга қарор қилишди.

Терговчилар Георгадзенинг пўлат қутиларидан ва уйининг яширин жойларидан 8 килограмм жавоҳир ва олмос, 100 та олтин ёмби (ҳар бири 20 килограммдан), 40 миллион сўм совет пули, 2 миллион доллар, ҳовуч-ҳовуч узук, исирға, маржон... топишди. Ҳаммаси бўлиб 6 миллиард сўмлик буюм чиқди.

Шундан кейин кўп ўтмай Андропов ғойиб бўлиб қолди. Уни шамоллаб қолган деб, анча вақтгача мамлакатнинг ва дунёнинг бошини қотиришди. Кейин эса Юрий Владимировични элу юртга тобутда кўрсатишди».

Горбачев даврининг олатасир воқеалари ҳақидаги гаплардан қай бирини кўчиришни билмайсан, киши. Асар сўнгида у ҳақда жумладан шундай ёзилган:

«Бутун бошли коммунистик тузумни маҳв этиб, нафақат омон қолиш, балки турмани ҳам четлаб ўтиш, ишонаверинг, осон иш эмас.

Партиянинг олтини эса ишончли қўлларда қолди. **Уни излаб овора бўлманг, чунки мабодо топганингизда ҳам ҳеч нарса қилолмайсиз... Аммо ўзининг ҳамма олтинини партия амалда Қўшма Штатларга ўтказиб юборган бўлса, бунақа валютани қандай қилиб барпо этиш мумкин? Ишлаш керак. Аммо ҳеч ким ишлашни билмайди ва ҳоҳламайди ҳам. Мабодо биров хоҳласа, унинг ишлашига йўл қўйишмайди. Йўл қўйишса, ишлаганни хонавайрон қилишади. Албатта, буни онгли равишда атайин қилишади».**

Ана, сизга бир замонлар нақадар жилвали кўринган, аммо аввалбошданоқ қарғиш теккан «қизил тузум»нинг асл башараси. Бир пайтлар «дунёда тенгсиз» деб таърифланган тузум шу қадар тубан кетган экан! Худо билади, у ҳалигача давом этаверганида яна қандай найрангларга дучор бўлардик... Минг қатла шукроналар бўлсинки, толеимизда Ўзбекистон мустақиллигини кўриш насиб этган экан!

Яқин ўтмишда юз берган шунча воқеа-ҳодисалар ҳақида теран мулоҳаза билан ишончли қиқоя қилган Игорь Буничга тан бермай илож йўқ!..

Тўлқин ЭШБЕК

ЖИНОЯТКОРОНА МУНОСАБАТ

Самарқанднинг Жума автомобиль йўли ёқаларидаги иҳота дарахтзорлари йўқотиб юборилмоқда

Бу йил ёз серёғин келди. Мен ўзимча саратонда ёмғир ёғаётганининг сабабларини ахтараман. Кўз олдимдан икки кун олдин кузатганим, Самарқанд-Каттақўрғон шаҳри оралиғидаги Жума автомобил йўлининг икки ёнидаги нохуш манзара сира-сира нари кетмайди.

Йўл ёқаларига бир пайтлар иҳота дарахтлари экилган эди. Ёзда иссиқ гармселдан, қишда қор кўчишдан сақлаган иҳотазорлар бугун тамоман ўгайланиб қолган. Қурилиш ёғочи сифатида шу яқин атрофда яшовчилар томонидан кесиб кетилмоқда. Йўлга тўсиқ бўлиб турган иҳотазорда очиқ-очиқ майдонлар ҳосил бўлган. Иссиқ гармсел у ёқдан бу ёққа ўйнаб эсмоқда. Кесиб кетилган дарахтлар ўрнида унинг тўнкалари «нола» қилиб турибди. Юзлаб дарахтлар ўт қўйиб куйдирилган. Ўнлаб дарахтлар қуриб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида юртимиз табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгилаб берилган. Иҳотазорларнинг муҳофаза қилиниши ҳам шубҳасиз, соғлом атроф-муҳитга эга бўлишимизни таъминлайди.

Гўзалкент, Нуробод, Каттақўрғон туманлар ҳокимликлари, табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари ходимлари автомобиль йўлидан кунига неча бор ўтадилар. Табиатга шафқатсизлик қилинаётганини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишмоқда. Акс ҳолда юқоридагидек хунук манзара ҳосил бўлмасди.

- Ҳар бир туманда табиатни муҳофаза қилиш инспекцияларимиз бор, - дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т.Бобоноров. - Ҳар бир инспекцияда иккитадан инспектор ишлаяпти. Улар иҳотазорларга зиён етказаётган шахсларга тўғридан-тўғри чора кўришолмайди. Далолатнома тузиб, қўмитамиз қошидаги «Усимлик ва ҳайвонот олами» инспекциясига хабар қилишлари керак. Шундай қилинаяпти.

Ҳақли савол туғилади. Агар қўмита раиси Т.Боборов айтганидек, инспекторлар ишлаётган, иҳотазорларни талон-тарож қилаётган шахсларга нисбатан чоралар кўрилаётган бўлса бошбошдоқлик нега давом этаяпти. Аҳволни ўнглай олмаётган далолатномалар кимга керак?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» дейилган. Шунингдек, Конституциянинг 55-моддасида «Ер ва ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш лозим ва улар давлат муҳофазасидадир» дея кўрсатилган. Юқорида номлари қайд этилган тушунчалар «нола» қилиб турибди. Юзлаб дарахтлар ўт қўйиб куйдирилган. Ўнлаб дарахтлар қуриб қолган.

Оғриқ нуқталар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» дейилган. Шунингдек, Конституциянинг 55-моддасида «Ер ва ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш лозим ва улар давлат муҳофазасидадир» дея кўрсатилган. Юқорида номлари қайд этилган туманларнинг табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошидаги «Усимлик ва ҳайвонот олами» инспекцияси ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросига совуққон, бепарво, қолаверса, жинояткорона муносабатини қандай тушуниш керак?!

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларида табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва фойдаланишда қонунларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Республикамиз Президенти халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида кўча ва йўлларнинг озода ҳамда ободончилиги тўғрисида кўрсатмалар берган эди. Юртбошимизнинг халқимиз маданиятига хос ва мос кўрсатмалари Жума автомобиль йўлига ҳанузгача етиб келмаган кўринади. Самарқанд шаҳридан чиқилгач, Пастдарғом, Гўзалкент, Нуробод, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шаҳрига кираверишда ҳудудигача қаровсиз аҳволда. Йўл атрофларини одам бўйи янтоқ, шўра, чақиртиканак босиб кетган.

Биз Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни бош йўл инспектори Абдусалим Ашуровга учрашиб, суҳбатлашдик.

- Жума автомобил йўлининг асосий қисми Пастдарғом, 10 чақирими эса Каттақўрғон йўллар бошқармаси тасарруфида, - деди А.Ашуров. - Иҳота дарахтларига келсак, кўчатларини бир пайтлар кўкаламзорлаштириш бош бошқармаси ўтқазган эди. 80-йилларга келиб, бошқарма тугади. Бироқ иҳота дарахтларини парваришлаш, йўл четларини тоза-озода тутишни кимнинг вазифаси экани қонунда белгилаб қўйилган.

А.Ашуров Ўзбекистон Республикасининг «Автомобил йўллари тўғрисида»га қонунининг 18-моддасини назарда тутаётган экан. Дарҳақиқат, ушбу моддада «Автомобил йўлларига туташ ер эгаларининг ва ердан фойдаланувчиларнинг бурчлари» кўрсатилган. Унда автомобил йўлларига туташ ер эгалари «йўлкаларни, пиёдалар йўлларини ахлатдан, лойдан ва қордан тозалаб туришлари, дов-дарахтларни асраш ва яхши сақлаб туришга ёрдам беришлари, йўлга туташ буталар ва биноларни парваришлаган ҳамда бўялган ҳолда сақлашлари, йўл ўртасидан 50 метрдан кам бўлган масофада тош, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материал тўпланишига йўл қўймасликлари шарт» деб белгиланган.

Демак, Самарқанд-Каттақўрғон автомобил йўлига туташ хўжаликлар йўл четлари озодалиги учун жавобгар экан. Бироқ...

Жума автомобил йўлида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Автомобил йўллари тўғрисида»ги қонунлари ижроси таъминланмаяпти. Пастдарғом, Гўзалкент, Нуробод, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шаҳри ҳокимликлари ўз ҳудудларидаги хунук манзарани тартибга келтиришни ўйлаб кўришмаяпти. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг инспекциялари, хўжаликлар раҳбарлари ушбу қонунлар бажарилиши юзасидан юқоридан яна қўшимча топшириқ берилишини кутиб туришибди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Илмнинг офати унутиш, уни илмга муҳаббати бўлмаган кишиларга сўзлаб зое қилишдир.

***

Бир соат илм ўрганмоқ, бир тун ўйғониб ибодат қилмоқдан ҳайрлироқдир.

Бир кун илм ўрганмоқ ўн ой рўза тутмоқдан ҳайрлироқдир.

ХАДИСдан

Божхона сарҳадларида

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

(Боши 1- бетда)

—Бу ҳудуд орқали республикамиздан юклар чиқиб кетиши хавфи жуда кучли, - дейди биз билан суҳбатда божхона бошлиғи Эргаш Жуманов. - Иш фаолиятимиз давомида кўплаб миқдорда озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ўғитлар, рангли металларни ушлаб қолганимиз фикримизнинг далилидир. Бу ўринда божхона ходимларидан бош нозир Фарҳод Бўрибоев, катта нозир Исоқ Ҳожимуродов, нозирлар Ўктам Ботиров, Серик Бектурсуновларнинг ибратли ишлаганларини таъкидлашни истардим. Улар қонунни яхши билишлари, қонун устуворлигини таъминлашни ўзлари учун юксак бурч деб ҳис этганликлари боис бошқаларга ўрнак бўла оладилар.

Дарҳақиқат, божхона ходими учун бурчни теран англамоқ, шу бурчга садоқат кўрсатмоқ юксак фазилатдир. Божхона ходими етарли билимга, муомала маданиятига, боз устига ҳаётий тажриба ва кўникмага эга бўлса, бу божхона фаолиятининг бир маромда кечишини, фуқаролар учун ҳам қулай имкониятлар юзага келишини таъминлайди.

Ҳозирда 4-сонли Сирдарё божхона масканида иш икки гуруҳда олиб борилмоқда. Қозоғистон Республикасидан кириб келаётган ҳамда республикамиздан чиқиб кетаётган йўловчи ташийдиган автобуслар ва юк машиналари, шунингдек, транзит ҳолда ўтувчи транспорт воситалари қисқа фурсатларда қонунга мос ҳолатда божхона кўригидан ўтказилишига эришилаётир.

Божхона ходимларининг сергак саъй-ҳаракатлари боис шу йилнинг ўтган ойлари давомида 16 млн.дан ортиқ товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. 6 млн. сўмга яқин акциз солиқлари ундирилди. Божхона масканн ходимларининг мақсади мустақил давлатимиз божхона тизимини ҳам жаҳон андозалари, талаблари даражасига етказишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишдир. Уларнинг эзгу ниятлари амалга ошишига тилакдошмиз.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Мухбиримиз мусоҳабалари

ИМКОНИЯТНИ ИЗЛАГАН ТОПАДИ

Шамсиддин ҚИЁМОВ 1958 йилда туғилган. 1979 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг молия ва кредит факультетини битирган. 20 йилдан буён банк соҳасида, жумладан, 1998 йил ноябридан Халқ банки Чироқчи туман бўлимининг бошқарувчиси. Оилали, 5 нафар фарзанднинг отаси.

- Шамсиддин ака, очиғини айтиш керак, сўнгги йилларда аҳолининг жамғарма омонат пулларини халқ банкларига қўйишда маълум даражада таъбир жоиз бўлса, ишончсизликка ўхшаш ҳолат пайдо бўлганди. Чунки бир тарафдан, омонатчилар қўйган пулларини ўзларига зарур пайтда олишолмай жиғибийрон...

- Ҳа, халқ банкларининг ўз мижозлари билан муомаласида шундай муаммолар мавжуд эканлиги сир эмас. Бу аввало, нақд пул маблағлари тушуми камчиллиги туфайли, омонатчилар сўраган пайтда уларнинг эҳтиёжига яраша пулини вақтида тўлолмаслик туфайли юзага келган деб изоҳлашим мумкин. Бироқ «Излаган имконият топади» деганларидек, Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 ноябрдаги «Аҳолининг уй-жой, коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги 462-сонли қарори эълон қилинганидан кейин, аҳолининг нақд пулга эҳтиёжи маълум даражага камайди. Энди омонатчилар уй-жой, коммунал хизмат ва электр қувватидан фойдаланганлик учун тўловларни омонат ҳисобидан, жумладан, «Индексация» деб номланувчи махсус ҳисобдаги маблағларидан ҳам ҳеч қандай ортиқча югур-югурсиз амалга оширадиган бўлди. Бу эса омонатчиларга қулайлик туғдирди. Натижада ўтган йилнинг 1 январига банкимизда омонат қолдиғи 19393,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1999 йилнинг 1 январида бу сумма 26544,8 минг сўмни ташкил этди. Ёки жорий йилнинг июнига келиб омонат қолдиқлари 30130,9 минг сўмга етди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг дастлабки ойига нисбатан айни кунгача мижозларимиз 1157 кишига кўпайди. Бу банк фаолиятининг яхшиланишига, аҳолининг бизга бўлган ишончи ошаётганидан далолатдир. Банкимиз ва унинг филиалларида турли пул-буюм ютуқлари лотереяларини сотишда маълум фоиз эвазига тушган фойда ҳисобидан ҳам омонатчилар эҳтиёжини қондиришга эришдик. Аввалги йиллардан қолган тўловлар ўтган олти ой давомида деярли қопланди.

- Халқ банкининг омонатчилар билан ишлашдан ташқари бошқа ташвишлари ҳам бор, шекилли?

- Ҳа, халқ банки Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август 434-сонли қарорига кўра кам таъминланган оиларларга моддий ёрдам пули, шунингдек, 1996 йил 10 декабр қарорига асосан 16 ёшли болалар нафақасини бериш ҳамда 1999 йил 13 январ қарорига асосан 2 ёшгача болалари бўлган оналарга бериладиган нафақа пулларини ҳам тарқатади. Бу мажбуриятларнинг сўнгги ташкил этган бўлиб, 1999 йилнинг 1 январида бу сумма 26544,8 минг сўмни ташкил этди. Ёки жорий йилнинг июнига келиб мавжуд омонат қолдиқлари 30130,9 минг сўмга етди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг дастлабки ойига нисбатан айни кунгача мижозларимиз 1157 кишига кўпайди. Бу банк фаолиятининг яхшиланишига, аҳолининг бизга бўлган ишончи ошаётганидан далолатдир. Банкимиз ва унинг филиалларида турли пул-буюм ютуқлари лотереяларини сотишда маълум фоиз эвазига тушган фойда ҳисобидан ҳам омонатчилар эҳтиёжини қондиришга эришдик. Аввалги йиллардан қолган тўловлар ўтган олти ой давомида деярли қопланди.

- Халқ банкининг омонатчилар билан ишлашдан ташқари бошқа ташвишлари ҳам бор, шекилли?

- Ҳа, халқ банки Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август 434-сонли қарорига кўра кам таъминланган оиларларга моддий ёрдам пули, шунингдек, 1996 йил 10 декабр қарорига асосан 16 ёшли болалар нафақасини бериш ҳамда 1999 йил 13 январ қарорига асосан 2 ёшгача болалари бўлган оналарга бериладиган нафақа пулларини ҳам тарқатади. Бу мажбуриятларнинг сўнгги ташкил этган бўлиб, 1999 йилнинг 1 январида бу сумма 26544,8 минг сўмни ташкил этди. Ёки жорий йилнинг июнига келиб мавжуд омонат қолдиқлари 30130,9 минг сўмга етди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг дастлабки ойига нисбатан айни кунгача мижозларимиз 1157 кишига кўпайди. Бу банк фаолиятининг яхшиланишига, аҳолининг бизга бўлган ишончи ошаётганидан далолатдир. Банкимиз ва унинг филиалларида турли пул-буюм ютуқлари лотереяларини сотишда маълум фоиз эвазига тушган фойда ҳисобидан ҳам омонатчилар эҳтиёжини қондиришга эришдик. Аввалги йиллардан қолган тўловлар ўтган олти ой давомида деярли қопланди.

- Банкингиз филиалларидаги хизматни қандай баҳолайсиз?

- Туманимиз ҳудудида 250 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Қишлоқларимиз эса ҳудудий жиҳатдан бир-биридан анча узоқ ва тарқоқ жойлашган. Шу сабабли деярли ҳар бир қишлоқда 72 та шаҳобчамиз ишлаб турибди. Бу жойлардаги ходимларимизнинг мақсадлари яхлит: эл-юртга беминнат хизмат қилиш. Сидқидил хизматни эса халқ қадрлайди. Мана, қўлимда миннатдорчилик изҳор этилган хатлар дастаси. Уларни ўқиб кўрсангиз чеҳрангиз очилиб, дилингиз яйрайди. Элга озми-кўпми нафимиз тегаётганидан бахтиёрмиз. *Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг муборак байрамимиз - мустақиллигимизнинг 8 йиллиги билан чин қалбдан табриклайман, соғлик, омонлик тилайман.*

Ғози РАҲМОН
суҳбатлашди

Гиёҳфурушликка йўл йўқ

ҚОРА ИШНИ ҚОНУН КЕЧИРМАС

Кечагина ўз эрки, оиласининг бахти учун яшаётган одам бугун темир панжара ортида ўтирибди. Нега? Нима учун? Бари юракка игна мисоли санчилиб, дилни жароҳатлайди. Лаби кулимсирагани билан кўнгил ғаш, қанчалик чарчаган бўлмасин, кўзларга уйқу келмасди. Айниқса, уйда эшикка термулиб турган болалари кўз ўнгига келганида баттар қийнала бошлади. Шундагина инсон учун озодлик, эрк тушунчаси бебаҳо эканлигини ҳис этди.

Олимжонни Учқўрғондаги 38-автокорхона ишчилари яхши билишарди. Чунки бу ерда анча ишлади. «Одамнинг оласи ичида бўлади» деган ибратли мақол айни кунда уни таниган-билган кишилар хаёлидан ўтган бўлса ажаб эмас.

Ўша куни Олимжоннинг юриш-туриши бироз ўзгарди. Нимадандир ҳадиксирар, кўз қарашларида ҳам қандайдир киши илғамас маъно бор эди. Сабаб шуки, унда 1 кг.дан ортиқ наркотик модда бўлиб, тезроқ сотиш ва мўмай даромад олиш илинжи тинчлик бермасди.

1999 йилнинг 26 феврал куни. Унга қора иш - ғаразли ниятни амалга ошириш учун имкон керак эди. Бундай ишда ўзгага дард ёриш ўзини бадном қилиш билан тенг. Шу сабабли кўнгилни тинчитиш ва хотиржам ишга киришиш мақсадида чуқур-чуқур нафас олди. «Барибир уддасидан чиқаман, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди». Бу унинг сўнгги қарори эди.

Кўчада кўп юриш хавфли, бирор киши хитланиб қолса «онамни учқўрғондан кўраман», у ўзича ҳар бир қадамини ҳисоб-китоб қилиб борарди. Тахминан соат 18 ларда шоҳбекатга етиб келди.

- Ҳозир нима кўп, «иномарка» кўп. Олимжон атрофга разм сола-сола, қўлидаги «ноёб» модда солинган халтачаси билан оқ рангли «Мерседес» микроавтобуси томон юрди. Олди томонига «Уйчи-Учқўрғон» ёзуви илинган машина йўловчилар билан тўлгач, ўрнидан қўзғалди. Олимжон биров эшитар-эшитмас қилиб «шукр» деб қўйди. Машина унинг қувончи узоққа чўзилмади. Микроавтобус Норин дарёси кўпригига етиб келганида ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилди. Олимжоннинг ичида бир нима узилгандай бўлди. Унинг қўлидаги халта тинтиб кўрилганда роппа-роса 1 кг. 340 грамм «Ғашиш» наркотик модда борлиги аён бўлди. Шу ернинг ўзида жиноятчи ҳибсга олинди.

Олимжон асли Оққўрғон туманида туғилган. Тақдир уни Учқўрғон шаҳрига олиб келди. 5 нафар фарзанднинг отаси. У болалигида бирор ножўя иш қилиб қўйса, танбеҳ эшитмаслик учун баҳона рўкач қиларди. Бу сафар ҳам жиноятчи айбини бўйнига олмай, милиция ходимларини лақиллатмоқчи бўлди.

- Соат 18 лар чамасида машинамни гаражда қолдириб, уйга қайтаётгандим, - деди у. - Дарёнинг нариги томонида холам яшайди. Бирдан уни кўрмоқ истаги туғилди. Йўлда кетаётсам, капоти очиқ ҳолда турган қизил «Жигули»га кўзим тушди. Машина олдида 2 та йигит турарди. Улардан бири «Олимжон ака, қаергa кетаяпсиз?» деб сўраб қолди. Мен уни танимадим. «Озгина хизмат бор эди», деди у. Бирорта танишим бўлса керак. Машинаси бузилиб қолган шекилли, деб ўйлаб, рози бўлибман. Кейин эса у салафан пакетдаги гиёванд моддани дарёнинг у томонига олиб ўтиб беришимни сўради. Йўқ десам ҳам, илтимос қилиб туриб олди.

Шу пайт унинг болаликдаги «касали» хуруж қилгани аён эди. Болаликдаги хатони ота-она, маҳаллакўй кечириши мумкиндир, аммо мазкур жиноятни қонун кечирмади. Ўз ёлғонига ўзи ишонган жиноятчи устидан Наманган вилояти суди ҳукм ўқиди. О.Нишонов 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Дилшод ОМОНОВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Самарқанд вилояти Қўшработ тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Комил Содиров меҳнатсеварлиги ва хушмуомалалиги билан жамоада ҳурмат қозонган.

Суратда: у ҳамкасблари Бахтиёр Собиров, Шерали Усмонов, Аловиддин Раҳимовлар билан.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат

Таажжуб...

МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН?

Таҳририятимизга Андижон вилояти, Жалолқудуқ туман, Г.Тошматов номли жамоа хўжалиги 9-бригадасидаги гузар чойхонасида истиқомат қилаётган (ноилож-ликдан) Маъмура опа Исоқовадан бир мактуб келди. Аёл дарди, аёл ҳасрати... танишиб, дилинг оғрийди...

«...Мен сизлардан нажот истаб ушбу мактубни йўллаяпман. 1985 йили бизнинг оиламиз Андижон вилоятидан янги ерларни ўзлаштириш, чўлларни бўстон қилиш ташаббускорлари қаторида Жиззах вилоятининг Зомин туманига кўчиб кетган эдик. Чўлда ишлаш муддатимиз 8 йил эди. Биз қарийб 13 йил чўлқувар бўлиб, Жиззах далаларида ишлаб қолдик. Ва ниҳоят, 1997 йили ўз туғилган юртимиз Андижон вилоятига кўчиб келдик.

Оиламизнинг беш нафар аъзоси, яъни мен, турмуш ўртоғим, уч ўғлим Зомин туманидаги «Оқар» ижара ширкат хўжалигида меҳнат қилдик. Хўжалик раҳбари Абдуҳошим Сафаров 1995 йил ҳисоб-китоб пулимизни 9-буйруқ билан ведомост қилиб, жами 57 минг 196 сўм деб ёзиб берди ва лекин ҳозиргача бу пулларни ололганимиз йўқ. «Ҳозир кассада пул йўқ, ғалла ўрим-йиғими режасини бажарганимизда пул бўлади, ўшанда оласизлар», деб ишонтирди Абдуҳошим Сафаров.

Мана, тўрт йилдирки, Андижондан Жиззахга ўша пулни олиш учун қатнайверib сарғардонмиз. Андижонда уй-жойимиз бўлмагани учун ҳозирча гузар чойхонасида бутун оиламиз билан яшаб турибмиз. Эндиликда икки нафар келиним ва невараларим ҳам шу чойхонада «умргузаронлик» қилишмоқда. Аммо қачонгача...

Биз ҳам яшагимиз, ишлагимиз келади. Наҳотки, меҳнатга яроқли 6-8 кишидан бирортамизга иш топилмаса? Тирикчилигимиз шу чойхонада амал-тақал ўтиб турибди.

Жиззахда ишлаб топган меҳнат ҳақимизни олсак, ер олиб уй-жой қурамиз деган ниятимиз бор эди. Шу пул можароси билан ўтган йили Зомин туман судига ҳам мурожаат қилдик. Натижа бўлмагач, Жиззах вилояти судига ҳам мурожаат қилдик. Ҳамон жавоб йўқ. Биз дардимизни кимга айтайлик? Хўжалик раҳбари алдаса, суд тингламаса, энди кимга мурожаат қилайлик?»

ТАҲРИРИЯТДАН:

Маъмура Исоқованинг ҳасратидан чанг чиқади. Ажабо, бутун бир оиланинг на пули ва на уйи бор?! Наҳотки, Жиззах вилояти, Зомин туманидаги «Оқар» ижара ширкат хўжалиги раҳбарияти бутун бир оиланинг пешона тери эвазига топган меҳнат ҳақини салкам 4 йилдан бери бермай, сарсон-саргардон қилса?!

1995 йилдаги 57 (эллик етти) минг 196 сўмга қанча нарса олса бўларди. Бугун шу пулга нима олиш мумкин, ахир?!

Бу ҳам етмагандек, наҳотки, қонун устуворлигини таъминлайдиган, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идора - Зомин туман суди ҳам бу масалага панжа орасидан қараса...

«Инсон ва қонун» почтасидан

ХАТ БОСИЛМАСА ҲАМ... КАПИТАН САЙДОВ ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАНДИ

Ҳурматли таҳририят!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизматида Сурхондарё вилояти ички ишлар идораси ходими, милиция капитани Рабиулла Саидовнинг Сизга ёзган, ишдан четда қолиб кетаётганлиги ҳақидаги аризаси атрофлича кўриб чиқилди ва ўрганилди.

Р.Саидов 1998 йил 9 декабрида вилоят ИИБ бошлиғи номига ёзган билдиргиси (аризаси)да коррупция, рэкет ва тероризмга қарши кураш тезкор вакили лавозимидан бошқа хизматга ўтказишни сўраган ва шу сабабли 1999 йил 10 февралдан бошлаб талаби қаноатлантирилиб, шу кундан у бошқарма шахсий таркиби ихтиёрида бўлган.

Ҳозирги кунда 1999 йил 15 июндан бошлаб капитан Р.Саидов ИИБ жамоат тартибини сақлаш хизмати, жиноятчиликнинг олдини олиш бўлимига катта инспектор лавозимига тайинланган.

А.ЮНУСХЎЖАЕВ,
ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари



Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси солиққа тортиш бўлимида олти ойлик режалар муддатидан олдин уддаланди. Бунда бўлим бошлиғи Абдумўмин Темировнинг хизматлари катта.

СУРАТДА: шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи муовини Саттор Маҳмадшоев ва Абдумўмин Темировлар.

Сурат муаллифи Н.АЛМУРОДОВ

Беруний номидаги Давлат мукофотига номзодлар



Э.БЕГМАТОВ ВА УНИНГ «ИСМЛАР ҚОМУСИ»

Халқимизнинг лисоний ҳамда маънавий бойликларидан бирини тилимиздаги кўп сонли исмлар-кишилар номи ташкил қилади. Ҳар бир халқнинг, тилнинг тарихи бўлганидек, инсон исмларининг ҳам даврлар, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий омиллар билан изоҳланадиган ўз тарихи бор.

Бола туғилгач, унга исм бериш азалий одатдир. У жуда қадимий даврлардаёқ шахсларни ўзаро фарқлаш эҳтиёжи туфайли юзага келган. Кейинчалик эса исм танланиши кишиларнинг турли орзу-умидлари, истак ва армонлари, фалсафий ва диний қарашлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуши, ахлоқий эстетик диди ва бошқа кўплаб эътиқодлар, удумлар, урф-одатлар билан боғлиқ бўла борган.

Исм билан унинг эгаси орасида қандайдир боғлиқлик мавжуд. Кишининг исми унинг тақдирига таъсир этади деб ишониш жуда қадим даврларда пайдо бўлган қарашдир. Шу сабабли ота-оналар ҳар доим ўз фарзандига ном танлашга алоҳида эътибор берган. Даврлар ўтиши билан исм чақалоқни турли касалликлардан, балоқазолар ва бахтсизликлардан асровчи «восита»лардан бирига айлана борган. Шунинг учун ҳам ўзбек исмларининг пайдо бўлиши, улар англатадиган маъноларга эътибор қилинса, уларнинг аксариятида чақалоқни бевақт ўлимдан, турли касалликлардан, омадсизлик, бахтсизликдан асрашга ҳаракат қилинганини кўрамиз. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун профессор Эрнест Бегматовнинг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти томонидан 1998 йилда босмадан чиқаришган «Ўзбек исмлари маъноси» китоби билан танишиш кифоядир.

Китобда 14.600 та ўзбек исмларининг маънолари мукаммал изоҳланган. Исмларга берилган изоҳлар, талқинлар ниҳоятда теранлиги, илмий асосланганлиги, кенг кўламли ҳамда ишонарли эканлиги билан диққатга сазовордир. Унда аждодларимиз қадим даврларда амал қилган диний эътиқодлар, тотемистик-анимистик қарашлар, уларнинг чақалоқни турли касаллик ва бевақт ўлимдан асрашга доир орзу-армонлари, болага исм қўйиш билан боғлиқ бўлган хилма-хил удумлар, расм-русумлар, анъана ва одатлар, чақалоққа муносиб исм танлашга интилиш туфайли юзага келган ахлоқий , эстетик, фалсафий, диний қарашлар ҳақида бой тасаввурга эга бўласиз. Исмлар маъносида ифодаланган бундай маълумотлар нафақат тилшунослик, балки ҳуқуқшунослик, тарих, этнография, маданият, маънавият, дин тарихи фанлари учун ҳам ғоятда қимматлидир. «Ўзбекисмлари маъноси» тадқиқоти нафақат назарий, балки улкан амалий аҳамиятга молик асардир.

Бу қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, ушбу китоб ота-оналарга ўз фарзандлари учун муносиб исмлар танлашида кўмаклашади.

Иккинчидан, китобда 14.600 та ўзбек исмлари кирилл ва лотин алифбосида рақам қилинган. Бу ҳол ўзбек исм ва фамилияларини Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар томонидан ёзишда рўй бераётган кўплаб имловий хатолар, чалкашликларни тугатишга ёрдам беради. Маълумки, ўзбек исм ва фамилиялари, ота исмлари узоқ йиллар давомида русча шаклларда ёзиб келинди. Натижада ўзбекларнинг исм ва фамилиялари туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт, никоҳни қайд этиш ҳақидаги гувоҳнома ва бошқа расмий ҳужжатларда имловий жиҳатдан нотўғри, хато шаклларда ёзилди: Ибрагимов (Иброҳимов), Салямов (Саломов), Иркин, Иргаш (Эркин, Эргаш), Мавлян (Мавлон), Гулям (Ғулом) ва бошқалар. Профессор Э.Бегматовнинг олдинги йилларда нашр қилинган «Киши номлари имлоси» (1970), «Ўзбек номлари имлоси» (1972), «Ўзбек номлари» (1991) китобларида бундай салбий имловий нуқсонлар атрофлича таҳлил қилинган эди.

«Ўзбек исмлари маъноси» китобида муаллифнинг болага исм танлашга, исм ва фамилияларни тўғри ёзишга, фамилия ва ота исмларга тўғри муносабатда бўлишга оид мулоҳазалари янада ривожлантирилганини кўрамиз. Китобда «Исм ва фамилия танлашнинг айрим муаммолари» (595-604-бетлар) сарлавҳали бўлим бўлиб, унда қайд қилинишича, чақалоққа муносиб исм беришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Кишиларда тилдаги мавжуд исмларга тўғри муносабатда бўлиш маданиятини ҳам тарбиялаш лозим. Муаллиф бу тушунчани қуйидагича изоҳлаган:

«Исмларга тўғри муносабатда бўлиш маданияти ёки қисқача қилиб айтганда, номлаш маданияти нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, болага исм танлаш ишига жиддий ўйлаб, иложи борича, мавжуд халқона анъаналарга боғлаб ёндошиш керак.

Иккинчидан, кишининг фамилияси ва ота исмини расмий ҳужжатлар (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт, никоҳни қайд этиш ҳақидаги гувоҳнома ва бошқалар)да тўғри ёздириш лозим.

Учинчидан, киши исми-шарифини аниқ ва тўлиқ айтиш, тўғри талаффуз қилиш шаклини бузмасликка интилиши керак.

Тўртинчидан, чақалоққа исм танлаганда тилдаги мавжуд, тайёр номлардан фойдаланиш билан бир қаторда янги, диққатни тортувчи, ўзига хос исмлар устида изланиш, яъни янги, бетакрор исмлар ижод қилишга интилиш лозим.

Бешинчидан, исмларимизда миллий руҳнинг сақланиши, уларнинг она тилимиз қонуният ва талабларига мос бўлиши учун курашмоқ керак (596-597)».

Албатта, номларга тўғри муносабатда бўлиш маданиятини теран, илмий асосланган қўлланмаларсиз амалга ошириб бўлмайди. Э.Бегматовнинг китоби ана шундай назарий ва амалий қўлланмадир. Кейинги пайтларда русча шаклда «-ов, -ова (-ев, -ева), -ович, -овна (-евич, -евна)» қўшимчалари ёрдамида ясалган фамилия ва ота исмлардан воз кечиш ҳоллари кузатилмоқда. Ушбу ҳаракат туфайли исмлар, фамилия ва ота исмлари тизимида юз бераётган ўзгаришлар, бундаги тўғри ва ноўрин ҳолатлар муаллиф томонидан чуқур таҳлил қилинган бўлиб, пировардида у шундай хулосага келган:

«... бизнингча, фамилия ясашнинг... анъанавий шакли сақлангани ҳолда ота исми ясашга миллий тус бериш маъқулдир. Яъни ота номидан ота исми (отчество) ясалади, фамилия эса турғун, авлоддан-авлодга ўтадиган ном бўлиб, сақланиб қолади. Масалан, Абдуллаев Илҳом Иброҳим ўғли. Бу шакл билан эр-хотиннинг фамилияси тартиботини ҳам ҳозиргача жорий этилиб келинган тартибда сақлаб қолишга имкон туғдиради» (604-бет).

Китобдан ўзбек исмларининг тарихи, ўзбек номлари жамғармасининг ривожланиш ва бойиш жараёнлари, болага исм бериш билан алоқадор халқона удумлар, расм-русмлар, анъаналар, исмлар маъносини изоҳлаш билан боғлиқ муаммолар, исм қўйиш жараёни ва киши исмларига тўғри муносабатда бўлиш (исмни тўғри ва тўлиқ талаффуз қилиш, тўғри ёзиш ва бошқалар), ўзбек исм ва фамилияларнинг ҳозирги аҳволи, ундаги ўзгариш ва мураккаб жараёнлар бу масалада ФҲДЁ ва паспорт бўлимларининг, умуман, кенг жамоатчилик олдида турган вазифалар ҳақида билдирилган кўплаб мулоҳазаларга, бу соҳанинг бир қатор чигал муаммоларига жавоб топиш мумкин.

Хуллас, филология фанлари доктори, профессор Эрнест Бегматовнинг «Ўзбек исмлари маъноси» асари биз ҳуқуқшунослар учун ҳам амалий аҳамиятга молик тадқиқот бўлиб, унинг Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига тавсия этилиши ниҳоятда адолатли ва тўла муносибдир.

Исматулла МАМАНОВ,
юридик фанлари номзоди

Мактуб

«УЙ ТЎЙИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ...»

Бирлашган таҳририятнинг ҳуқуқий демократик давлат бунёд этишдек хайрли ишга ҳисса қўшаётганлигидан хабаримиз бор. Оиламиз «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳамда «Инсон ва қонун» газетасининг доимий мухлиси.

Ушбу иккала нашрда кейинги икки йилда қумқўрғонлик оддий меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда бир қатор чиқишлар бўлди. Ўтган йилнинг ёзида газетада «Болаларнинг пули қаёққа кетди?» сарлавҳали фельетони чоп этилганди. Унда қумқўрғонлик оилаларга давлатимиз-томонидан берилиши керак бўлган 16 ёшгача бўлган болаларнинг нафақа пулини ўзлаштириб кетмоқчи бўлган ноинсоф раҳбарлар қаттиқ танқид қилинди. Натижада пуллар ўз эгасига қайтарилиб, молиявий нуқсонга йўл қўйган раҳбарларга амалий чоралар кўрилди. Шунда одамлар сизларни алқаб, дуо қилганлигига гувоҳ бўлгандик.

Биз ҳам эр-хотин беш нафар фарзандимиз билан бировларнинг қулбасида ижарада яшаб келаётган эдик. Оҳ, бировларнинг қошу қабоғига қараб яшаш нақадар оғир эканлигини уйсизлар яхши биалишади. Ўшанда бир парча ер сўраб туманда, вилоятда биз бош уриб бормаган остона қолмади. Бизнинг дардимизни дийдаси қаттиқ, тошмеҳр катталар эшитишмади, тинглашнида, тушунишни-да истамадилар. Дардимизга сизлар етдиларингиз. Ниҳоят, бизга ҳам томорқа берилди. Қанчалар суюнганимизни билсангиз эди. Эҳ-е, «яқинда ер берамиз» деб бизни кимлар алдамаган эди. Пешона тери билан топган пулларимизни қай бир фирибгарлар еб кетмаганди? Хайриятки, Худонинг холис, виждонли бандалари ҳам бор экан. Хуллас, айни пайтда «Инсон ва қонун»-нинг кўмаги билан олган томорқамизда иморат қуришга киришдик. Эгат олиб, кунжут уруғи сепган эдик, ҳозир авж олиб ўсаяпти. Насиб бўлса, Худо хоҳласа, сизларни уй тўйига таклиф этамиз. Ўша куни ўғилларимизнинг ҳам қўлини «ҳалоллаш» ниятимиз бор. Яна бир гапни айтиб қўйсак... Бошпанамиз йўқлиги боис, сал бўлмаса оиламиз бузилиб кетиши мумкин эди. Сизлар айни чоқда қўша савобга эга бўлиб турибсизлар. Инсоннинг бир оғиз ширин сўз билан кўнгли юксалар экан. Илоҳо, яхшилик, эзгулик йўлида сира толманглар!

Камоли эҳтиром билан
Дилмурод БОБОЕВ,
Зулфия РАҲМОНОВА,
Қумқўрғон тумани, «Бешқаҳрамон» жамоа хўжалиги

Диққат, «Сайилгоҳ»нинг янги рукни:

Изоҳ:
ДУ–Дўстона учрашув.

Бугун мамлакатимиз узра шўх-шодонлик шабадаси кезиб юрибди. Энг буюк ва энг азиз байрамимиз - мустақиллигимизни шарафлаш онлари яқинлашаяпти. Биласизки, байрамни ўйин-кулгисиз, ҳазил-мутойибасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу муносабат билан мухбиримиз ўзига хос чаққонлик кўрсатиб, ўзини ва сиз газетхонларни узоқ вақтлардан буён «қийнаб келаётган» қайноқ саволларга жавоб топиш учун Узбекистон халқ артисти, таниқли ҳажвчи, моҳир кулгу устаси, машҳур актёр ва кўплаб кулдирувчиларнинг устози Эргаш ака КАРИМОВга мурожаат қилди. Қуйида сиз ана шу ижодий изланиш маҳсули билан танишасиз.

«ЭК...ЭК»

ЭРГАШ КАРИМОВНИ ЭШИТОЛМАЙ КЕТЯПМАН

Ёки Леонид Ильичнинг армони

Мухбир: - Эргаш ака, Сизни Узбекистон нафақат Узбекистон, балки ён қўшни, ҳатто ундан нарироқдаги давлатлар халқлари 20-асрнинг кулги даргаларидан бири сифатида танишади. Сизнинг умрбўйи «халқимга бир ҳовуч табассум ҳадя этарканманми» деб яшаб, ижод қилиб келаётганингиз — барчамизнинг бахтимиз. Айтишларича, икки тонфа одамлар сизни кўролмас эмиш. Биринчилари - жаҳон паррандачилик уюшмаси аъзолари бўлиб, одамлар кулги билан чекланиб, тухум емай қўйишгани боисдан бизнеслари дарз кетиб банкрот бўлаётганлар, иккинчилари, тиржаяверив бевақт юзига ажин тушган аёллар жамияти вакиллари эмиш. Душманнинг биттаси ҳам кўп дейишади. Бу ҳолат сизни безовта қилмаяптими?

Уйқунгизда ҳам беҳаловат бўлмаяпсизми? Ёки мардларча хандабозликни давом эттираверасизми? Келгусидаги ижодий кулдириш режаларингиз қандай?

Эргаш Каримов: - Ҳм... анча мураккаб савол...

Мухбир: - Раҳмат, мукаммал жавобингиз учун. Яна бир нарсани аниқлаб олсак. Айтишларича, сизда Чарли Чаплин, Юрий Никулин, Геннадий Хазанов, Евгений Петросян кабилар билан умумий ўхшашлик бормиш. Таҳлилларга кўра, бу ўхшашлик - барчангиз Христофор Колумб билан юз кўришмаганлигингизда экан. Салгина фарқ, бу сизнинг Саъдулла Сиёевдек ҳажвчи адиб билан ишлаётганингиз ва Обид Асомовни улардан кўра яхшироқ таниганингизда экан.

Э.К.: - Эҳ-ҳа...

Мухбир: - Қойил Эргаш ака, батафсил жавобингиз учун. Тағин бир саволим. Айтишларича, бетакрор Ленинчи, «Қўриқларни роса очган» Леонид Ильич деган арбоб умрбўйи Сизнинг ижодингиз, ҳажвларингизни кўриш, тушунишга илҳақ бўлиб ўттанмиш. Ўлими олдидан унинг «эк-эк» деганини эшиттанлар бор. Кейинчалик илмий тадқиқотлар давомида бу сўзни компьютерларга жойлаб таҳлил қилишганда, «Эргаш Каримовни Эшитолмай Кетяпман» деган сўзларнинг бош ҳарфлари эканлигини аниқлашибди. Шу ростми?

Э.К.: - Йўғ-е...

Мухбир: - Яш-шаворинг, Эргаш ака. Самимий жавоб учун яна бир бор раҳмат! Айтинг-чи, ҳажвчилар қўрқмас, мард ва жасур бўлишади, дейишади. Кези келганда «лубои» билан ташлашавераркан, шундайми? Агар шундай бўлса, яқин кунларда паҳлавон ҳажвчимиз Обид Асомов Арнольд Шварцнегерни кўтариб уриб, ҳақиқий негрга айлантириб қўйишига, Абдуҳолиқ Мамарасулов Майк Тайсонни рингдан учириб юборишига, Мирза Холмедов Сильвестер Сталлонени оёғидан дарахтга осиб қўйишига... ўзингизнинг Жан Клод Ван Даммни икки оёғини бўйнига «галстук» қилиб ташлашингиз ҳақидаги мишмишларга ишонса бўладими?

Э.К.: - Оббо...

Мухбир: - Минг ташаккур, Эргаш ака! Энди дунё саволларидан шахсий ҳаётга ўтсак. Каллақандга иштаҳангиз қандай? «Маҳаллада дув-дув гап» фильмида Раҳим Пирмуҳаммедов каллақандни чойга ботириб шимганида барчанинг оғзидан суви келган эди. Ҳойнаҳой, Сиз ҳам четда қолмаган бўлсангиз кераг-ов?

Э.К.: -Ҳа, энди...

Мухбир: - Қандингизни уринг, раҳмат. Кулги шинавандаларига нима тилакларингиз бор? Ҳойнаҳой, доимо кулиб юринглар, юзларингдан табассум аримасин, десангиз керак-да?

Э.К.: - Ҳа, тағин...

Мухбир: - Тушундим. Мустақиллик байрамимиз олдидан Сиз ва ижодий жамоангиз олдида катта режалар бор кўринади. Миниатюралар театрининг байрам совғалари зўр бўлса кераг-ов!

Э.К.: - Ҳа, шу кун...

Мухбир: - Балли, ака! Кулги шинавандаларига бу очилмаган қўриқдан сабоқ берганингиз, қимматли вақтингиздан чегириб, бизни қизиқтирган саволларга меъёрига етказиб жавоб берганингиз учун минг ташаккур!

Мулла САЙИЛГОҲИЙ «Инсон ва қонун» учун махсус ва алоҳида суҳбатлашди



Тошкент механика ва эксковаторларни таъмирлаш заводига қарашли «Оби-ҳаёт» болалар оромгоҳи Бўстонлиқ туманидаги Хумсон қишлоғи яқинида жойлашган. Ҳар йили ёзда бу ер ёшларнинг севимли масканига айланади.

М. НУРИНБОЕВ олган суратлар

КЕЛГУСИ СОНДА:

ТАНДИР ТЎЛИБ ПИШИБДИ...

Ёки нонхўр журналист «текшируви»

Бир гуруҳ ақида-парастлар ЛАҲНАТЛАНГАНЛАР устидан ҳукм ўқилди

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг масъул ходими Раъно ҲАҚБЕРДИЕВАга отаси

Қурбон ҲАҚБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Ғайбулло РАҲИМОВ, Парахат АЙТНИЁЗОВ, Бурхон БЕКМИРЗАЕВ, Шавкатжон МАВЛОНОВ, Неъмат АМИНОВ, Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб), Зайниддин ИСЛОМОВ, Ҳамза ЗОКИРОВ, Миршоҳид МИРҲАМИДОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0577. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: О.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У.ДЎСМАТОВ
Терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.